

ИМЗОЛАРНИ ИДЕНФИКАЦИЯ ҚИЛИШ: АСОСЛАРИ ВА НАЗАРИЯСИ

*Хамидова Мухлисахон Қахрамон қизи¹
Йўлдошев Наврўз Дониёр ўғли²*

Аннотация: Мақолада жиноятларни очишда имзолар тадқиқот объекти сифатида ва имзоларни ўзгартириш, қалбакилаштириш, уларни иденфикация қилиш, имзоларни ўрганиш базалари, имзо ва электрон имзоларни қўллашда хориж тажрибаси ҳамда уларни миллий қонунчилигимизда қўллаш методларини шакллантириш бўйича таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: имзо, тадқиқот, иденфикация, электрон имзо, имзоларни тадқиқ қилиш базалари, криминалистика,

Аннотация: В статье написано о заочной экспертизе, написано о взятии образцов на экспертизу. Также состоялся обмен мнениями по развитию выборки для экспертизы.

Ключевы слова: экзамен, подпись, образец, точность, гомология, образцы для исследования.

Annotation: the article is written about correspondence expertisThe signature was studied as a correspondenceexamination. An opinion was also expressed about taking samples for expertise and creating databses.

Keywords: homology/the examination/signature/sample/exactness/similarity

Имзоларни иденфикация қилиш: асослари ва назарияси

Хозирда экспертиза тадқиқотларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буни Ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан берилётган экспертиза хулосаларининг ўсиш суратларида ҳам кўриш мумкин. Республика Ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан 2020 йилда 30773 та экспертиза хулосаси расмийлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилга келиб қарийб 43% ошиб 44041 тани, 2022 йилда эса 79 % га ошиб 55179 тани ташкил этди [1]. Гарчи, жиноят-процессуал қонунчилигида эксперт хулосаси бошқа турдаги далилларга нисбатан ҳеч қандай устунликка эга эмаслиги назарда тутилган бўлса-да, айрим ҳолларда айнан эксперт хулосасининг ишни мазмунан ҳал қилишдаги аҳамиятини инкор этиб бўлмайди[2]. Бугунги кунда комплекс экспертизаларни ўтказиш жараёни Ўзбекистон Республикасининг Суд экспертиза тўғрисидаги қонуни 21-моддаси, Жиноят-процессуал кодексининг 178-моддаси, Фуқаролик процессуал кодексининг 101-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21

¹ИИВ Академияси 3-босқич 322-гурӯҳ курсанти

²ИИВ Академияси 3-босқич 322-гурӯҳ курсанти

февраль кундаги “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 73-сон қарорининг 1-иловаси 29-бандига мувофиқ амалга оширилади. Юқорида келтириб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда комплекс экспертиза учун деярли бир хил ёндашув асосида қоида ишлаб чиқилганлиги боис, комплекс экспертиза бўйича мавжуд қоидаларни таҳлил қилиш учун мазкур нормаларнинг исталган бирини олиб таҳлил қилиш мумкин. Қуйида мазкур жараён Жиноят-процессуал кодекснинг 178-моддаси мисолида амалга оширилади. Мазкур моддада комплекс экспертизага нисбатан қуйидаги кўринишда қоида келтириб ўтилади: Комплекс экспертиза иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир неча эксперт текширувини ўтказиш йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда тайинланади.

Башарти экспертиза тадқиқоти экспертлар комиссияси томонидан ўтказилиб, суд экспертлари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан масалалар юзасидан шу хулоса доирасида алоҳида расмийлаштиради. Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 178-моддаси 1-4 бандларини қуйидаги таҳрирда: Комплекс суд экспертизаси иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир неча текшириш ўтказиш йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда тайинланади ҳамда бир ёки бир неча эксперт(экспертлар комиссияси) томонидан ўтказилади. Комплекс экспертизани ўтказишда эксперт (экспертлар комиссияси) ўз ваколати доирасида эксперт текширувларини олиб боради. Комплекс экспертизанинг хулосасида эксперт (экспертлар комиссияси) ўзининг қайси экспертиза тадқиқоти юзасидан қанча ҳажмда олиб борганлигини, қайси ҳолатларни шахсан ўзи аниқлаганлигини ҳамда қандай фикрларга келганлигини кўрсатади. Эксперт (экспертлар комиссияси) хулосанинг ўзи томонидан ўтказилган эксперт текширувлари баён этилган қисмини имзолайди ва улар учун жавобгар бўлади. Умумий фикрни (фикрларни), олинган натижаларни баҳолашга ва ушбу фикрни (фикрларни) шакллантиришга ваколатли бўлган суд эксперти (экспертлар комиссияси) қилади. Агар суд экспертлари комиссияси якуний фикрининг ёки унинг бир қисмининг асоси сифатида суд экспертларидан бирининг (алоҳида суд экспертларининг) аниқлаган ҳолатлари олинган бўлса, бу ҳақда хулосада кўрсатилиши керак. Жиноят ёки фуқаролик ишлари бўйича одил судловда суд-хатшунослик экспертизасининг энг кўп тарқалган тадқиқот объектларидан бири –бу имзоҳисобланади. Имзо билан боғлиқ тадқиқотларнинг мураккаблиги, ушбу ёзув материали бўйича фойдали ахборотларнинг камлиги ва белгиларининг ифодаланиши даражаси пстлиги билан ифодаланадиган ўзига хослигига боғлиқдир. Ёзиш жараёнига турли бузувчи

омилларнинг таъсири, тахмин қинаётган ижрочилар ёзувларининг бир-бирига ўхшашлиги, имзоларни бажаришда турли техник воситалардан фойдаланиш имкониятлари бу борадаги диагностикёки идентификацион вазифаларни ҳал этишни қийинлаштиради. Натижада эса, етарлича асосланмаган ёки хато хулосалар чиқарилади, шунингдек, “саволга жавоб беришнинг имкони йўқ” шаклидаги хулосалар берилади. Юқорида таъкидланган шароитлар экспертдан имзо ва унинг тадқиқотлари методикасининг ўзига хос хусусиятлари бўйича чуқур билимларни талаб қилади. Ёзув билан психофизиологик асосларининг бирлиги, ёзишнинг график ва техник кўникмалари билан боғлиқ бўлган имзо хатшунослик объектларининг алоҳида ўзига хос тури ҳисобланади. Бу имзо тушунчасининг ёзишнинг махсус маҳсули сифатидаги тушунчаси, унинг шаклланишидаги ўзига хосликлар, имзонинг асосий хусусиятлари ва унга асосланган белгилар тизими, шунингдек, имзоларга нисбатан қабул қилинадиган қарорларнинг ишончилигини оширишга хизмат қиладиган умумий ва хусусий методикалари билан боғлиқдир. Ҳужжатларнинг реквизитлардан бири сифатида имзолар шахсий тасдиқловчи белги сифатида жуда кенг тарқалган. Имзонинг график тадқиқотлар объекти сифатидаги тушунчаси унинг мўлжалланган мақсади, бажарилиши тартиби ва таркиби билан боғлиқ. Имзо – одамнинг фамилияси, исми-шарифи ёки бошқа бошқа маълумотларининг бирор-бир ҳужжат ёки ёзувдаги ўз қўли билан ёзган график тасвиридир. Ёзувчининг хусусий белгиси сифатида имзо ҳам ёзув каби шахсни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган криминалистик тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин¹. Имзонинг муайян шахсга тегишлилиги унинг фамилияси, исми-шарифи тўлиқ ёки қисман акс этиши ёки ҳарфларни ташкил қилмайдиган ёзиш белгиларининг шартли график акс этиши билан тасдиқланади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Грановский Г.Л. Природа, причины экспертных ошибок и пути их устранения. М., 1983. – С.2
2. Клименко Н.И. Экспертные ошибки и их причины. – Киев, 1988. – С.38.
3. Макушкина Г.Е., Вермел И.Г., Кочнева Л.В. Понятия, причины и профилактика экспертных ошибок. – Свердловск, 1997. – С.337.
4. Шейфер С.А. Следственные ошибки и их причины. – Киев, 1998. – С.121.
5. Белкин Р.С. Криминалистика: проблемы сегодняшнего дня. – М., 2001. С.172.
6. Кошманов М.П., Кошманов П.М. Идентификационные признаки буквенного, цифрового и подписного почерка: Учебное пособие. – Волгоград, 2006.